Ушбу сонда:
2 ВАТАН МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!
3 СУД ТИЗИМИДА ИСЛОҲ
4 *Истиқлол нашидаси* «МЕН БАХТИМНИ КУЙЛАЙМАН»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 4 август, чоршанба № 106 (753)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Абдуллаев Дўстмурод — Пахтачи тумани Р.Махманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти





Абдурахимов Абдували — Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Аламатов Атахон — Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Рахмонов Ғайбулло — Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август

ҚИЗИЛТЕПА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Истиқлол йилларида Қизилтепа тумани, айниқса Қизилтепа шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳарда кўркам бозор, савдо дўконлари, ошхона ва тижорат корхоналари ишга туширилди. Жумладан, туман марказида Миллий банк филиали мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Тумандаги Навоий номли хўжаликда қишлоқ врачлик амбулаторияси қурилди, 12 километрли сув қувури ётқизилди.

Айни вақтда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлашни яхшилаш, янги мактаб, коллеж ва қишлоқ врачлик пунктлари қуриш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишлари кенг авж олдирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистонда қуролли қарама-қаршилик яна авж олгани Ўзбекистонда чуқур ташвиш уйғотмоқда.

Ҳарбий ҳаракатлар натижасида мамлакатнинг тинч аҳолиси жабр кўрмоқда, Афғонистонга етказиб берилаётган инсонпарварлик ёрдами тўхтатиб қўйилди.

Афғонистон зиддиятида бошқа мамлакатлардан ёлланиб келган кучлар иштирокининг кенгайиши тобора хавфли тус олмоқда. Афғонистонда кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларига жиддий путур етказмоқда ҳамда бу яқинда «6+2» гуруҳига кирувчи «Афғонистоннинг қўшни ва дўстлари» томонидан қабул қилинган Тошкент Декларациясининг асосий тамойилларига зиддир.

Афғонистон муаммосини ҳарбий-куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслиги ҳамда бу муаммони фақатгина сиёсий воситалар орқалигина ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги томонларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим тузиш ҳамда БМТ шафелигида тинчлик музокараларини қайта тиклашга даъват этади.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати Тошкент Декларациясини имзолаган «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатларга мурожаат қилиб, уларни ўзларининг бирон-бир афғон томонига ҳарбий ёрдам бермаслик ҳақидаги мажбуриятларини бажаришга, ўз ҳудудларидан бундай мақсадлар учун фойдаланилишининг олдини олиш ҳамда зиддиятдаги томонларни ўт очишни тўхтатиб, музокараларни қайта бошлашга даъват этувчи барча имкониятларини ишга солишга чақиради.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.

Қишлоққа газ келди

Жиззах вилояти Зомин туманидаги Сегизсари қишлоғи аҳолисининг эзгу орзуси рўёбга чиқди. Қишлоққа табиий газ келди. Шу мақсадда қисқа фурсатда ўн бир километрли газ қувури тортилгани туфайли хонадонларда «зангори олов» ёнди. Бу айниқса уй бекаларини мамнун этди.

Ёш бахши ва мусаввирлар кўрик-танлови

Бойсунда «Алпомиш» достони юбилейи доирасида ёш бахшилар ва мусаввирлар республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда ёш бахшилар дўмбира жўрлигида «Алпомиш» достонидан ва термалардан парчалар айтдилар. Ёш мусаввирлар достон мавзуида яратган асарларини тақдим этдилар.

Ойбарчиннинг шодлигу ноолаларини, қаҳрамонлигию ёрга садоқатини дўмбирага солиб куйлаган Зулхумор бахши Шерназарова кўрик-танловнинг олий мукофотига, Исроил Анваров, Абдуқаҳҳор Умаров, Равшан Маматраҳимов соврин соҳиби бўлдилар.

Бойчибор отига миниб, курашга шайланган Алпомиш ҳолатини моҳирлик билан тасвирлаган Чоршанби Маматқулов, гўзал ва оқила Ойбарчин образини яратган Холбой Ҳасан ўғлининг мусаввирлик иши энг яхши асар деб топилди.

Коллежга марҳамат!

Сариосиё туманида 2005 йилга қадар 10 та касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей қурилади. Жойларда ушбу ўқув муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланадиган 450 ўринли коллежга ўқувчилар қабул қилина бошланди. Бу ерда ёшларнинг пухта билим олиши, касб ўрганиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё этилди. Бўлажак ўқувчилар учун махсус кийимга буюртма берилди. Шуни ҳам айтиш керакки, коллежда ишлайдиган ўқитувчи-мураббийларни танлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Улар мутахассислиги ва маънавий-маърифий савиясига қараб ишга конкурс асосида қабул қилиняпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республикамизда ғалла етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ғалла мустақиллигини таъминлаш ва республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллик халол хизматлари ҳамда жамоат ишларида фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Меҳнат Шуҳрати" ордени билан

Адизов Шерали Негбоевич -- Навоий тумани "Хазора" жамоа хўжалигининг бригада пудратчиси, Навоий вилояти

Азимов Авазхон -- Оҳангарон тумани "Авазхон" фермер хўжалиги раиси, Тошкент вилояти

Акбаров Хайдарали -- Олтиариқ тумани "Янгиобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

Алимов Хайит -- Бахмал тумани "Деҳқонобод" ижара хўжалиги ижарачиси, Жиззах вилояти

Ахмедов Мухаммад Исматович -- Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Бердибеков Тинчлик -- Зафаробод тумани "Ғанижон" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Бозоров Абдимурат -- Қамаши тумани "Чим" жамоа хўжалиги ғаллачилик оилавий пудрат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Жуманов Қўчқор -- Боёвут тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Имамов Махамматсодиқ Шамшиддинович-- Уйчи тумани "Уйчи" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Исмаилов Пўлат Дўшамович -- Шовот тумани "Хоразм" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

Машахопов Абдумажид Гайнбергенович -- Юқори Чирчиқ тумани "Туркистон" деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Муродова Муқаддас -- Денов тумани С.Раҳимов номли жамоа хўжалиги ғаллачилик бўйича пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Рахимов Олимбой Маматович -- Қоракўл тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Бухоро вилояти

Рахмонов Ўринбой -- Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси деҳқончилик бўлими бошлиғи

Саидов Парда -- Пастдарғом тумани "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Тожимирзаев Отахон -- Наманган тумани "Сохибкор" корпорацияси пудратчиси, Наманган вилояти

Тўйчиев Худойберди -- Қуйи Чирчиқ тумани "Ўзбекистон 5 йиллиги" тажриба хўжалиги бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти

Тураев Мусо Муқаддасович -- Тайлоқ тумани "Улуғбек" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Убайдуллаев Хамидулла -- Охунбобоев тумани М.Умаров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Усмонов Хўжаахмад Рахмонович -- Иштихон тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Хамраев Мамажон -- Олтинкўл тумани "Намуна" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Андижон вилояти

Хомидов Абдулахад -- Қува тумани "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Шукурова Дилором Ахматовна -- Китоб тумани Ж.Турдиев номли жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Юлдашев Авазбек -- Баликчи тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Андижон вилояти

Юсупов Норим -- Амударё тумани "Хоразм" ширкат хўжалиги пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Курбонов Шодмон -- Чироқчи тумани "Чиял" жамоа хўжалиги ғаллачилик ширкати бошлиғи, Қашқадарё вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Алимов Мадрим -- Хонқа тумани "Хоразм" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Деҳқонов Азимжон -- Избоскан тумани А.Тиллабоев номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳосилоти, Андижон вилояти

Лапасов Умархон -- Булунғур тумани "Қилдон" ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Маллаев Жўра Жалилович -- Қамаши тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Масков Масагут Гарафутдинович -- Тошлоқ тумани Ҳ.Марозиқов номли жамоа хўжалиги комбайнчиси, Фарғона вилояти

Рахмонов Махмут -- Конимех тумани Х.Олимжон номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Навоий вилояти

Сейтмуратов Оспан -- Нукус тумани "Кердер" жамоа хўжалиги агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Тажиев Сирлибой -- Мирзачўл тумани Абай номли ширкатлар бирлашмаси звено бошлиғи, Жиззах вилояти

Хўжаев Расул Раҳимович -- Шофиркон тумани "Бобур" номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Убайдуллаев Махмуд Ахмадалиевич -- Чуст тумани "Зарафшон" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Убайдуллаева Айпашша Назировна -- Ўрта Чирчиқ тумани "Роватак" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

(Давоми 2-бетда)

ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

«Ғалла - ризқ-рўзимиз» дейди халқимиз. Бу гапнинг заминида катта маъно бор. Зеро, дон мўл бўлса, юртда тўкинчилик бўлади, фаровонлик ортади.

Шу боис, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари бу масалага катта эътибор қаратиб, ғаллачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини уқтириб келмоқда. Президентимиз кўп бор таъкидлаганидек, «Токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча».

Собиқ шўро тузуми даврида Ўзбекистонга фақат пахта хомашёси етказиб берувчи минтақа сифатида қаралиб, донга бўлган эҳтиёжнинг фақат 20 фоизигина республиканинг ўзидан қопланарди. Мустақиллик туфайли бу борадаги вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан ғалла мустақиллиги йўлида улкан қадамлар ташланиб, пахта далалари ҳажми қисқарди, ғалла ва мева-сабзавот экиладиган майдонлар салмоғи эса ортди. 1991 йилда мамлакат импортининг 73,8 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 15 фоизга тушди.

Бу йил республикамиз ғаллакорлари ҳар қачонгидан кўра мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Мамлакатимизнинг 1 миллион 312 минг гектар ғалла майдонидан 3 миллион 845 минг тонна дон ўриб-йиғиб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 31,3 центнерга етди. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида - 72,7, Хоразмда - 58, Самарқанд вилоятида - 44,2, Бухорода - 34 центнерни ташкил этди.

Давлатга дон сотиш буюртма режаси ҳам ортиғи билан уддаланиб, эл дастурхонига 2 миллион 207,4 минг тонна сара маҳсулот етказиб берилди.

Бободеҳқонларимиз бу улкан зафарларининг салмоғи қўшни давлатлардаги, айниқса, собиқ иттифоқ даврида асосий дон етиштирувчи республикалардаги аҳволга қиёслаганда яққол кўзга ташланади. Улардаги ялпи ҳосил сўнгги саккиз йилда қарийб 2 баравар камайганини эътиборга олсак, Ўзбекистон минтақадаги йирик ғаллачилик давлатларидан бирига айланганининг гувоҳи бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ғалла уруғчилиги тизими тобора шаклланиб, ҳар бир минтақанинг табиий иқлим ва тупроқ шароитига мос уруғлик танланаётгани, экинни парваришлашда барча агротехника қоидаларига қатъий риоя этилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ғалла уруғчилиги масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Чунончи, яқинда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари чоғида Юртбошимиз ғаллачиликда маҳаллий навларни ривожлантириш, уруғлик танлашда деҳқонларнинг талаб ва истакларини инобатга олиш зарурлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан уруғлик масалалари билан шуғулланувчи Республика комиссияси тузилгани ҳам давлатимиз раҳбари билдирган таклифларнинг амалий ифодаси бўлди.

Бугунга келиб мамлакатимизнинг асосий уруғчилик базаси бўлган Андижон ва Самарқанд вилоятлари ғаллакорлари томонидан бўлғуси ҳосил учун улкан заҳира яратилди. Ғаллакорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган 250 минг тонна уруғлик дон тахт қилиб қўйилди. Қувонарлиси, улар орасида маҳаллий навларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, бу йил 161 минг гектар майдонга ўзбекистонлик олимлар томонидан етиштирилган «Сангзар» нави экилади.

Республикамиз ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги бундай зафарлар, аввалambor, деҳқонларимиз замонавий техникадан унумли фойдаланаётгани билан ҳам боғлиқ. Бу йилги мавсумда ғаллазорларда жами 5367 та комбайн ишлатилди. Шулардан 1184 таси ғаллакорларга ғоят манзур бўлган хориждан келтирилган «Кейс» комбайнларидир. Мавсум давомида улар ёрдамида 688,3 минг гектар майдондаги дон ўриб-йиғиб олинди. Ғаллакорнинг асосий мададкорига айланган мазкур техниканинг қудратини шундан ҳам билса бўладики, бир қатор вилоятларда «Кейс»лар ёрдамида кунига 27 гектаргача майдондаги ғалла ўрилди. Айнан шу боис, республикамиз ғаллакорлари ўрим-йиғим мавсумини мўлжалдагидан 15 кун аввал тугаллашга муваффақ бўлди.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг асосий тармоғи - ғаллачиликда ҳам янги уфқларни очди. Давлатимиз дон мустақиллигига эришгани XX1 аср бўсағасида олдимизда турган улкан ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга, пировард натижада халқ фаровонлигини юксалтиришга асос бўлиши шубҳасиз.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланмоқда. Халқимизнинг энг улуғ байрами - Ватанимиз Мустақиллиги куни арафасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга, республиканинг ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ меҳнаткашлар Президентимиз Фармонига мувофиқ давлатимизнинг юксак мукофотлари, жумладан, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланди. Бу уларнинг эл-юрт равнақи, Ватан истиқболи йўлидаги буюк хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Беҳзод УСМОН
(ЎзА)

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Йил бошидан буён Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,8 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 2,4 фоиз ортди. Пул инфляцияси ва эмиссияси анча камайди.

Вилоят фаоллари йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Унда ўтган ярим йиллик иш якунлари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бу борада ўртага қўйган масалалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими С.Ҳусенов шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги вазифаларга асосий эътиборни қаратдилар. Жумладан, чет эл сармояларини жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиб беришга жиддий аҳамият берилмаяпти. Фаолият кўрсатаётган 43 та қўшма корхонанинг 19 таси тугатилиш арафасида. Муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ҳам талайгина.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Республикамизда ғалла етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Шуҳрат" медали билан

Абдиев Мажид -- Яккабоғ тумани Ж.Миҳлиев номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Абдурахмонов Намозбой -- Жомбой тумани Х.Низаматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Шавкат -- Учқўрғон тумани "Жалолобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Абдуалимов Асад -- Ғаллаорол тумани Т.Худоёров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Абдуқаюмова Бувзиёт -- Зарбдор тумани "Шарқ юлдузи" ижара ширкатлар бирлашмаси бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Абдуллаев Исроил Махдумович -- Чироқчи тумани "Чорвадор" жамоа хўжалиги ширкат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Абдирахимов Эшбой Рўзиқулович -- Ғузор тумани А.Турсунов номли жамоа хўжалиги пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Авулғозиева Рисолатой -- Боғдод тумани "Хазиний" номли жамоа хўжалиги жамоа пудрати бошлиғи, Фарғона вилояти

Арзиева Сафия Турсунқуловна -- Бекобод тумани Ойбек номли жамоа хўжалиги пудратчиси, Тошкент вилояти

Аслонов Рўзимурод Тўхтамуродович -- Олот тумани "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Атаханов Нажмиддин Нуриддинович -- Пахтаобод тумани "Маданият" агрофирмаси ижарачиси, Андижон вилояти

Атоева Ўғилой -- Когон тумани "Узбекистон" жамоа хўжалиги пудратчиси, Бухоро вилояти

Ахметов Абдихайим Есенбекович -- Бўстонлиқ тумани "Енбек" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Бердиев Чори Нурович -- Баҳористон тумани С.Муродов номли жамоа хўжалиги оилавий пудрати бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бобобеков Мусақул Абдусатторович -- Бўка тумани "Ачамайли" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Бобомурадов Бектемир Тошмурадович -- Қарши тумани А.Икромов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Боиров Бахтиёр Жадалович -- Дўстлик тумани Х.Исроилов номли фермер хўжалигининг "Илғор" ширкати раиси, Жиззах вилояти

Бойқобилов Элмурод Даминович -- Шахрисабз тумани "Амир Темур" номли ширкат хўжалиги механизатори, Қашқадарё вилояти

Дониёров Ахмад Рахматович -- Муборак тумани "Гулистон" жамоа хўжалиги ғаллачилик бўйича пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Дошанов Махсетбой Бобоназарович -- Чимбой тумани Камисариқ жамоа хўжалиги бўлим бошқарувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаббаров Махамаджон Саттарович -- Қўрғонтепа тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Андижон вилояти

Жабборов Ғолиб Қаххорович -- Жондор тумани "Узбекистон" жамоа хўжалиги ҳосилоти, Бухоро вилояти

Жўраев Собир Исломович -- Нарпай тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Навоий вилояти

Исломов Абдулло Хасанович -- Навбаҳор тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Навоий вилояти

Исмоилов Жумабой Бахриддинович -- Жалолқудуқ тумани "Бештол" ширкат хўжалиги пудратчиси, Андижон вилояти

Исмоилов Юлчибой Тўйчибоевич -- Янгийўл тумани Н.Ниёзов номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Тошкент вилояти

Исоқулов Абдурауф Мирзамиддинович -- Гулистон тумани "Мирзамиддин ота" фермер хўжалиги раҳбари, Сирдарё вилояти

Исроилов Толипжон Тешабоевич -- Учқўприк тумани Ш.Отажонов номли жамоа хўжалиги ижара звеноси бошлиғи, Фарғона вилояти

Йўлдошев Равшанбек Жўраевич -- Зангиота тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Каримов Абдукарим -- Сирдарё тумани "Синдиробод" жамоа хўжалиги "Кўқон" фермер хўжалиги раиси, Сирдарё вилояти

Кубегенов Уроқбой -- Хўжайли тумани "Тошкент" деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасининг фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Майилов Абдулхамид -- Булоқбоши тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти мухандиси, Андижон вилояти

Марахимов Эргаш Маъдихонович -- Янгиқўрғон тумани Т.Неъматов номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Наманган вилояти

Машрабова Мархабатхон -- Улуғнор тумани "Шаҳрихон" ширкатлар уюшмаси ижарачиси, Андижон вилояти

Муминов Абдумалик Мамадалиевич -- Норин тумани "Тошкент" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Мустанова Иззат -- Нишон тумани У.Юсупов номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Мухиддинов Мухиддин Мамажонович -- Сўх тумани "Мухиддин" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Назарқосимов Абдусаид Абрикулович -- Сайхунобод тумани "Шўрузак" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Нарметов Эркин Атаевич -- Хива тумани Огоҳий номли жамоа хўжалиги бош мухандиси, Хоразм вилояти

Насриддинов Рахимжон -- Поп тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Охунов Одилжон Абдуллаевич -- Бўз тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Андижон вилояти

Парманов Абдуҳамид -- Жиззах тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти механизатори, Жиззах вилояти

Рамазонов Шариф -- Қоровулбозор тумани "Шерзод" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Рашитов Мамадилло -- Касби тумани С.Насафий номли ширкат хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

Рахимов Салом Хамроевич -- Вобкент тумани "Зарафшон" ширкат хўжалиги бош ҳосилоти, Бухоро вилояти

Ризаева Муҳаббат -- Пискент тумани А.Дусбеков номли ташқи бошқарув хўжалиги бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Рустамов Махмуджон Юлдашевич -- Бувайда тумани А.Темур номли ширкат хўжалиги звено бошлиғи, Фарғона вилояти

Саидов Бахром Қурбонбоевич -- Чиноз тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Тошкент вилояти

Сапарбоев Мақсуд Хайтбоевич -- Янгибозор тумани "Бўзқалъа" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Сапарбоев Ражаб -- Гурлан тумани "Янгиобод" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Саттаров Убайдулла Қосимович -- Қарши тумани С.Рахимов номли ширкат хўжалиги комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Смайлов Тулеген Раймқулович -- Фориш тумани "Қизилқум" ширкатлар уюшмасининг комбайнчиси, Жиззах вилояти

Солихов Махмадали -- У.Юсупов тумани "Миришкор" ширкат хўжалигининг ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Тожибоев Исмоил Туланович -- Хўжаобод тумани "Ипакчилик" ижара хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

Тоғаев Меликул Боймуродович -- Самарқанд тумани машина-тарктор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Туранов Эркин Турсунович -- Арнасой тумани "Турон" фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

Турсунов Муродқул Мирзаевич -- Сариосиё тумани "Токчиён" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

Тухташев Абдурахмон -- Жарқўрғон тумани "Халқобод" жамоа хўжалиги ғаллачилик звеноси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Уринов Шавкат Иноятович -- Оқдарё тумани "Оқдарё" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Усманов Абдушукур Рахмонович -- Бешариқ тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Фарғона вилояти

Файзиев Толиб -- Ромитон тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Бухоро вилояти

Фахрутдинов Нураддин Хикматуллаевич -- Элликқалъа тумани Ғ.Одилов номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Холбеков Ашурали Бўрибекович -- Фарғона тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Фарғона вилояти

Холбоев Абдумалик -- Ш.Рашидов тумани "Фарғона" фермер хўжалиги бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Холматов Нормат Обиджонович -- Данғара тумани "Найманча" ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Хушатов Абдураим Ибрагимович -- Хатирчи тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Навоий вилояти

Хўжаёров Нурали Элмуродович -- Нуробод тумани "Каттақўрғон" ижара хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Шермирзаев Зокиржон -- Мингбулоқ тумани А.Навоий номли қишлоқ хўжалиги корхонасининг пудратчиси, Наманган вилояти

Шодиев Ғофир -- Ғузалкент тумани "Ғузалкент" жамоа хўжалиги ғаллачилик эвеноси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ширинов Хамид Ражабович -- Қўшработ тумани "Қўшработ" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Эргашев Урал -- Ангор тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Эргашев Абдуқаххор Амонович -- Паркент тумани "Заркент" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Эргашев Рашид Йўлдошевич -- Пешқу тумани Й.Эргашев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Эшматов Эркин -- Челак тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Эшматов Анорбой Аббосович -- Пахтакор тумани "Анвар-А" фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

Эшмуродов Абдуҳаким -- Каттақўрғон тумани "Буюк турон" жамоа хўжалиги комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Юлдошев Рамазон Жумаевич -- Қизириқ тумани "Кунчиқиш" деҳқон хўжалиги бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Кўзиев Юнус -- Зомин тумани "Бешкўби" ижара хўжалигининг раиси, Жиззах вилояти

Култоев Ғулом -- Ховос тумани "Фарход" ширкатлар хўжалигининг оилавий пудрат бошлиғи, Сирдарё вилояти

Курбонов Бердикул Усмонович -- Ургут тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Курбонов Илхомбой -- Хазорасп тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Хоразм вилояти

Ғоипова Суна -- Урганч тумани "Оқ олтин" ширкати хўжалиги пудратчиси, Хоразм вилояти

ва қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими"

Жуманазаров Рисназар -- Нукус тумани "Шортанбай" жамоа хўжалиги агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Зайниев Фозил -- Қизилтепа тумани Қ.Қобилов номли жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Навоий вилояти

Мамаюсупов Бадридин -- Қувасой шаҳри А.Раҳмоналиев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Рашидов Мажид -- Ғиждувон тумани С.Жабборов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Сотиболдиева Тўхтагул -- Боғот тумани "Узбекистон" ширкат хўжалиги пудратчиси, Хоразм вилояти

Тошбоев Абдумутал Қаюмович -- Тўракўрғон тумани "Намуна" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Хаитбоев Абдумухит -- Андижон ғалла ва дуккакли дон экинлари етиштириш институти Ғаллаорол филиалининг лабораторияси мудири, Жиззах вилояти

Хакимжонов Рахимжон -- Оққўрғон тумани Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмасининг раиси, Тошкент вилояти

Худойбердиев Турсун -- Асака тумани "Шарқ ҳақиқати" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Шодмонов Рахматулла Абдураимович -- Косон тумани "Тулга" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Яхяев Ширинбой -- Пайариқ тумани "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август

АЭРОКОСМИК МАКТАБ ЎН ЁШДА

Ўзбекистонда космик тадқиқотлар миллий агентлигининг ташкил топиши билан ёшларга фазовий билимларни ўргатиш, космонавтларнинг янги авлодини вояга етказиш учун мустаҳкам илмий негиз яратилди. Агентликнинг «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу хайрли ишга яқиндан бош қўшиб келмоқда. «Коинот» бирлашмаси раҳбари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Шавкат Воҳидов саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан халқаро аэрокосмик мактабнинг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Мана шунга ҳам ўн йил тўлди.

Ўтган қисқа давр ичида мактабнинг илмий-амалий салоҳияти янада ўсди. Бу ерда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Қозоғистондан келган кўплаб умидли ёшлар таҳсил кўриб, космонавтларнинг янги авлоди сафига кириш сари интилмоқдалар. Машғулотларни эса космонавтлар, аэроконструкторлар, республикамиз ва чет эл йирик илмий марказларининг мутахассислари олиб боришмоқда.

Чиндан ҳам мактаб асосан юқори синф ўқувчилари, «Коинот» бирлашмаси ва бошқа корхона, ташкилот олимларининг ҳамда олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчисига айланиб қолди. Муҳандислик, аэрокосмик ва компьютер соҳалари бўйича бошланғич билимларга эга бўлаётган ёшлар учун барча қулайликлар муҳайё.

Билим даргоҳининг ўн йиллик санаси муносабати билан мактабнинг юбилей машғулотлари ташкил этилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев шу қутлуғ кун билан ёшларни қизғин мубораквод этди, ҳамда унинг эртанги куни ҳақида яхши истаклар билдирди.

Космонавтлар ва олимлар томонидан уюштирилган машғулотлар ва давра суҳбатлари ҳам, космик билимлар соҳиби бўлиш ниятида юрган ўқувчиларда ўзбек космонавти Солижон Шарипов ҳам бўлажак ёш фазогирлар билан суҳбат ўтказди. Ўзбекистон Президентининг куни кеча қабул қилган Фармони билан мамлакатимизнинг юқори мукофотига сазовор бўлган бу фагозирнинг ёшларга қарата айтган истаклари ҳам диққат билан тингланди.

- Бу мактаб истеъдодли ўқувчи-ёшлар иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатиб келмоқда,-дейди С.Шарипов. - Турли миллат фарзандларини уларнинг интилишлари бу ерга етаклаб келган. Бизнинг бурчимиз - коинот илмига бўлган қизиқишларни ўстиришдан иборат.

Чиндан ҳам халқаро аэрокосмик мактабнинг нуфузи ва салоҳияти ортиб бормоқда. Космик билимлар соҳиби бўлган истеъдодли ёшлар масканига айланган мазкур даргоҳ Ўзбекистоннинг буюк келажагига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ВАГОНМИ БУ, Ё БОЗОР?»

- Кеп қолинг, қўчқор думбасидан тайёрланган сомсани дода хўжасига!

- Олмалиқ пивоси - танга даво...

- Импортний музқаймоқ, баҳоси ҳам арзон - атиги 150 сўм!

Хуллас, сув, қурт, писта, печенье, сақич, турли ширинлик кўтарган сайёр сотувчилар вагонма-вагон кезиб, йўловчини туртиб-суртиб ўз нарсасини ўтказиш пайида. Аксарият хотин-халаж, келинчаклар Чиптасиз, эрта тонгдан, тун қоронғусигача шу аҳволда савдо-сотиқ қилишади.

Зийрак ўқувчиларимиз дарҳол пайқашди, албатта. Бу битиклар газетамизнинг 30 апрел сонида чоп этилган «Вагонми бу, ё бозор?» мақоласидан. Ва ниҳоят, таҳририят сал кам уч ой деганда «Ўзтемирйўлйўловчиларташиш» Давлат корхонаси бошлиғи Т.Додахўжаев имзоси билан жавоб хати олди. Жавобда мақола ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги, бундан буён электропоездлар шаҳар атрофида қатнаётганда тартибни сақлаш учун транспорт милицияси ходимларини жалб этиш каби тадбирлар белгилаш мўлжалланганлиги айтилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компанияси раҳбариятининг қарорига кўра «Ўзтемирйўлйўловчиташиш» Давлат корхонасининг тафтишчи-назоратчи, инспекторлари ва мутахассислари томонидан чиптасиз йўловчилар ва ортиқча юк олиб юриш ҳолларининг олдини олиш ҳамда поездларда қатнаб чипта сотувчи кассирларнинг ишини ҳамда йўлга чиқаётган поездларнинг техник ҳолатини текшириш мақсадида бир неча ишчи комиссиялари тузилганлиги, текширишлар натижалари бўйича мажбурий тартибда далолатномалар тузилиши таъкидланади.

Мақолада вагонларнинг санитария ҳолати юзасидан ҳам жиддий эътирозлар билдирилганди. Бунга жавобан шундай дейилади: «Охирги пайтда шаҳар атрофига қатновчи поезд вагонларининг қониқарсиз ҳолати устидан далолатномалар тушмаганлиги сабабли рўзномада чоп этилган материаллар нусхалари марказий СЭС бош шифокорига кўриб чиқиш ва чора қабул қилиш учун юборилди».

Шу ўринда савол туғилади: наҳотки газетада чоп этилгунга қадар чиндан ҳам ҳеч қандай эътироз билдирилмаган бўлса? Наҳотки, одамлар шунчалар бефарқ бўлиб кетишган?

«...Шаҳар атрофида қатновчи электропоездларда вагон кузатувчилари йўқлиги туфайли вагонларнинг тозалиги кўпроқ йўловчиларнинг ўзларига, уларнинг маданий савиясига боғликдир».

Жавоб хатидаги мазкур фикрга биз ҳам қўшилдик. Рост-да, нега ҳар куни кириб-чиқадиган уйимизни тоза, саранжом-сариштa сақлаймизу, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиб, манзилимизга элтиб қўювчи поезд вагонларини кўчача кўрмаймиз?!

Ҳа, жавоб хатига қараганда, ҳадемай шаҳар атрофига қатновчи поездларда тартиб ўрнатилади. Лекин унинг бир чети биз — йўловчиларга ҳам боғлиқ.

ДАЛАНИНГ ҒАШТИ ЎЗГАЧА







Косонсой тумани вилоятнинг тоғли ҳудудидада жойлашган бўлиб, ҳавоси тоза, сўлим гўшалари, дам олиш масканлари кўплиги билан ажралиб туради. Косонсой нокларининг республикамизга довруғи кетган. Бу ерликларни меҳнат «офтоб»ида чиниққан инсонлар десак, янглишмаган бўламиз. Тумандаги «Косонсой» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам ана шундай меҳнаткаш, дилкаш кишилардир.

Мазкур хўжалик мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжалик жамоаси ҳар йили давлатга мева-сабзавот топшириш режасини бажариб келади ва ўз навбатида шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайди. Бу ерда иш оилавий пудрат асосида ташкил этилган бўлиб, деҳқончилик ерлари 620 нафар пудратчига бўлиб берилган.

Жорий йилда ушбу жамоа 250 гектар майдонда ғалла етиштириб, юқори ҳосил олди. Шу билан биргаликда 350 гектар ерда сабзавот экинлари, 11 гектар майдонга картошка экилган бўлиб, баракали ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Айни кунларда хўжалик далаларидан пиёз, сабзи, помидор, бодринг маҳсулотлари истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериляпти.

Суратларда: 1.Ишчи Ҳамрохон Отахўжаева; 2. Унумли меҳнатдан сўнгги ҳордиқ; 3. Ижарачи Усмон Зокиров.

Т.МАҲКАМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ажаб савдолар

ДАЛОЛАТНОМА БЕКОР ҚИЛИНДИ

бу - арнасойлик солиқчиларга сабоқ бўлса ажабмас

Жиззах вилоят солиқ бошқармаси ходимлари Х.Сувонов, Э.Аҳмедовлар 1998 йилнинг 7 сентябрида Арнасой туманидаги «Миришкор» фермер хўжалигида текшириш ўтказиб, бир қулоч далолатнома ёзиб кетишди.

Мазкур ҳужжатга кўра Абдуолим Мамараҳимов бошлиқ «Миришкор» фермер хўжалигида 1995 йилги пахта ҳосилидан 740400 сўм, 1996 йилги ҳосилдан 250200 сўмлик даромад солиғи яширилган, деб ҳисобланиб, фермер хўжалигидан давлат фойдасига 999.600 сўм пул ундирилиши, шунингдек, тадбиркорлар ер солиғи учун 148866 сўм тўлаши зарурлиги таъкидланди. Бунга фермер хўжалиги ишчиларига берилган дастлабки икки йиллик иш ҳақидан даромад солиғи ҳам қўшилди.

Арнасой туман ҳокимининг 1995 йил 4 декабрдаги қарорига мувофиқ янгитдан ташкил этилган «Миришкор» фермер хўжалиги жамоаси бундай ноҳақликка чидай олмай, туман давлат солиқ инспекциясини вилоят хўжалик судига берди.

Жиззах вилоят хўжалик суди судьяси Аҳмад Абдуқодиров раислигида кўриб чиқилган мазкур иш даъвогарлар фойдасига ҳал бўлди. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорида таъкидланганидек, «Корхоналар, ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонуннинг II-моддаси, 3-қисми, «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси «И»-бандига асосан фермер хўжаликлари 2 йилга солиқ тўлашдан озод этилганлар.

Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси «2»-бандига асосан фермер хўжалиги аъзолари фермер хўжалиги рўйхатдан ўтгач, икки йилга иш ҳақидан олинадиган солиқдан озод қилинганлар.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг (хўжалик-процессуал кодекси) 95, 135, 139, 145, 146-моддаларига асосланиб, даъвогар ариза қаноатлантирилди:

- вилоят солиқ бошқармаси ходимлари Х.Сувонов, Э.Аҳмедовларнинг 1998 йил 7 сентябрдаги «Миришкор» фермер хўжалиги томонидан жами 1126100 сўм тўланиши лозим деб топилгани ҳақидаги далолатнома бекор қилинди.

Ҳақиқат қарор топди. Мақоламизни ҳам шу жойда мухтасар қилсак бўларди. Лекин... Арнасой туман давлат солиқ инспекцияси раҳбарияти вилоят хўжалик суди ҳал қилув қароридан норози бўлиб, аппеляция инстанциясига шикоят-ариза берди. Жиззах вилоят аппеляция инстанцияси шу йилнинг 16 июнида хўжалик суди раиси М.Назаров раислигида, А.Маматмусаев, А.Товбаевлардан иборат таркибдаги суд мажлиси шикоят-аризани қараб чиқди. Аппеляция инстанцияси қарорига кўра аппеляция шикояти рад этилиб, вилоят хўжалик суди ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Ажабо, Арнасой туман давлат солиқ инспекциясидагилар доно халқимизнинг «Йиқилган курашга тўймас» деган исбот талаб қилмас мақолини яна бир бор исботламоқчи бўлдими, ёки... Ҳар ҳолда қонун барча учун баробарлигини улар энди унутишмаса керак.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Таклиф, мулоҳаза

СУД ТИЗИМИДА ИСЛОҲ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «фуқаролик жамияти»ни қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни тақозо этиши ҳақидаги фикрига жавоб берган бўлур эди.

Айнан шундай ёндашувгина фуқароларга ўз ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда кенг иштирок этиш учун имконият яратади.

Бизнингча, республикамизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг дастлабки босқичида бу масалани чуқур ўрганиб чиқиш ва тажриба тариқасида бир қанча маҳалла қўмиталарида синаб кўриш лозим. Ишонамизки, бу тажриба, айниқса маҳаллий аҳоли ўртасида ижобий натижаларни беради.

Баъзи хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, судни ихтисослаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай тартибнинг жорий этилиши ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш сифатини оширган бўлур эди.

Дастлабки босқич жиноий ва фуқаролик ишларини ва суд қарорларини қайта кўриб чиқувчи аппеляция босқичидан иборат уч профессионал суддан ташкил топган, ишларни биргаликда кўриб чиқувчи туманлараро судларни жорий қилиш айни муддаодир. Уларга якка ҳолда кўриб чиқиладиган ва судларнинг ваколатларига кирадиган ишлардан ташқари кўпгина ишларни кўриб ҳал этиш ваколати берилмоғи лозим.

Вилоят судлари эса, жиноий ва фуқаролик ишларини учта профессионал судья таркибида кўриши, бу ўз навбатида ишларни якка тартибда кўрувчи судларга кассация, туманлараро ишни кўрган судга нисбатан аппеляция тартибида қурилган ҳисобланади.

Олий суд вилоят судларига нисбатан аппеляция, шу билан бирга кассация суди вазифасини ўтамоғи керак. Шунингдек, Олий суднинг ўзи томонидан дастлабки босқичда кўриб чиқилган ишларга нисбатан кассация босқичи ва қуйи судларга нисбатан назорат босқичи мақомида бўлиши лозим. Республика Олий суди суднинг босқичи сифатида юқори лавозимдаги шахсларнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ жиноий ишларни, шунингдек, мураккаб фуқаролик ишларини кўриб чиқиши назарда тутилади. (Мезонлар ишлаб чиқилиши лозим).

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонунида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши мумкин».

Бироқ бу ҳуқуқий меъёр тегишли тушунтиришни талаб этади. Масалан, нима учун судьяликка айнан 25 ёш белгиланиши тавсия қилинаётганлиги тушунарли эмас. Бу ёш, инсонларнинг тақдирини ҳал этиш учун кифоя қиладими? Кейин, юрист ўз ихтисоси бўйича қандай ишларни амалга оширмоғи лозим? Судьяликка номзодлар ичида турли лавозимларни бажарувчи юристлар бўлиши ҳам мумкин: кадрлар бўлими нозири, постда турувчи милиция ходими, суд котиби ва бошқалар. Буни ихтисос бўйича деб изоҳлаш мумкинми? Бу масалага ойдинлик киритиш учун судьяликка номзоди юртлари тизимида таълим олаётганлар сони ҳақида маълумот бериш; судьяларнинг малакасини ошириш; меъёрий ҳужжатлар ва ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва ҳаказо.

Адлия ташкилотлари ҳузурида суд милициясини ташкил этиш тавсия қилинади. Судда тартибни таъминлаш учун улар суднинг фармойишига асосан шахсни олиб келиш бўйича кўрсатмани бажариши, суд жараёнида судьяларни, суд хизматчилари ва иштирокчиларини қўриқлаш, бир сўз билан айтганда судларнинг мўътадил фаолиятини таъминлаши лозим.

Адлия идораларида суд қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ масала ҳам бўлмоғи, бунинг учун ижрочилари суд ҳузурида эмас, адлия ташкилотлари тизимида фаолият кўрсатиши лозим. Адлия идораларининг ваколатларини аниқлаштириш зарур.

Суд корпуси ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Шунинг учун ислоҳотни бир неча босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, унинг барча концепцияларини чуқур ўрганиш ва муҳокама қилиш; режасини ўйлаб кўриш; у ёки бу янгиликларни тажрибада синаб кўриш лозим.

Вужудга келган, синалган баъзи масалалар ечимини асло кечиктириб бўлмайди, чунки уларни ҳал этишни вақтнинг ўзи тақозо этмоқда. Масалан, суд жараёнини ихчамлаштириш, судларнинг моддий аҳволини ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, ҳар бир судьянинг кўриб ҳал этадиган жиноий, фуқаролик ишларининг ҳажмини таҳлил қилиш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, эгаллаб турилган лавозимларга муносиблик мезонларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва адлияни моддий томондан таъминлаш қанчалик зарур бўлмасин, агар ислоҳотлар одил судловнинг туб моҳиятига тегишли бўлмаса, тегишли натижаларга эришиш даргумондир.

Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

(Давоми. Боши газетанинг 28 июл сонида)

Ижтимоий ҳимоя

ҲАҚИҚАТНИНГ ЮЗИ ЁРУҒ, ҚЎЛИ УЗУН

Тошкент вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг жорий йил биринчи ярмида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида амалга оширган тадбирлари хусусида мухбиримиз кўмита раиси Мавжудахон Халилова билан суҳбатлашди.

- Меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Сиз раҳбар бўлган кўмита тизимида жорий йил учун тузилган жамоа шартномаларининг эътиборга молик томонлари нимада?

- Вилоят касаба уюшма кўмитаси раёсати тасдиқлаган «Аёллар йили» Дастури айниқса, ишлаб чиқаришда банд бўлган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастурнинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи йил бошиданоқ корхоналарда тузилаётган жамоа шартномаларини қабул қилиш пайтида фаоллик кўрсатди. Уларни аёллар манфаатларини кўзлайдиган талай янги бандлар билан тўлдиришга ҳаракат қилинди. Булар жумласига меҳнаткашларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳимоялаш, меҳнат шароитларини янада яхшилашга қаратилган режалар мажмуини киритиш мумкин.

Бу йилги жамоа шартномаларининг аввалги йиллардан фарқли энг муҳим жиҳати «Аёллар йили» Дастурида кўзда тутилган кўпгина тадбирларни ўзида акс эттирганлигидир. Чунончи, ушбу ҳужжатга аёлларни амалий қувватлашга хизмат қиладиган 248 та алоҳида бандларнинг киритилганлиги фикримиз далили бўлиши мумкин. Яна бир гап: шартномалар тузилаётганда корхона ва ташкилотларимизда фаолият кўрсатаётган 10 минг нафардан зиёд хотин-қизнинг биронтаси ишлаб турган ўрнини йўқотмаслик масаласини қатъий қилиб қўйдик. Шу мақсадда тизимдаги йирик корхоналар қошида «Бандлик дастури» гуруҳлари ташкил этилган. Улар аёлларнинг иш шароитларини яхшилаш билан бир қаторда, улар учун янги иш жойларини ташкил этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Ҳозирданоқ гуруҳларнинг меҳнати самарадорлиги сезила бошлади. Масалан, «Электркимёсаноат», «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаларида жами 42, тўққизта кўмир конида эса 15 та иш ўрни ишлаб топилгани шулар жумласидандир. Амалдаги йилда тизимдаги корхона ва ташкилотларда жами 272 та аёллар иш ўрни ташкил қилинишига эришиш режамиз бор. Бундан ташқари, «Бандлик дастури»да жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган хотин-қизлар иш жойларини шаҳодат кўриги (аттестация)дан ўтказиш ва бошқа бир қанча имтиёзлар яратиб беришдек эзгу ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

- Иш жойларидаги меҳнат шароитлари, меҳнат муҳофазаси аҳволини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ва улар учун ажратилаётган маблағлар хусусида ҳам маълумот берсангиз.

- Корхоналарда ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли иш жойларида санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш, меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар амалийлигини назорат қилиб бориш каби масалалар диққат марказимизда турди. Ўтган йили ана шу мақсадларга хизмат қиладиган 475 та тадбир амалга оширилиб, уларга қарийб 66 миллион сўм маблағ сарфланди. Вилоят касаба уюшмаси тасарруфидаги барча корхоналарда меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи 489 нафар киши фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти ўн соатли дастур асосида ўз малакаларини оширдилар. Ўтган йил давомида тармоқ саноат корхоналари касаба қўмиталари маъмурият раҳбарлари билан ҳамкорликда ишловчиларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш ҳамда жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишларни амалга оширдилар. Бунинг натижаси ўлароқ 66 та корхона жароҳатланишсиз, 75 та корхона эса бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаган ҳолда йилни якунладилар.

- Ўтган йилнинг 15 декабрида Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида содир этилган кўнгилсиз воқеанинг тугунини ечишда касаба уюшмасининг роли қандай бўлди?

- Касаба уюшмаси олдида: «Бу ҳодисада ким айбдор, марҳумнинг оиласига нима учун товон тўланмаяпти, фалокат илдизларини ўрганиш ва адолатли хулоса чиқаришга нега шошилмаяпти?» каби саволларга жавоб топиш вазифаси турарди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишларини ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ эса бўлиб ўтган ҳодиса Меҳнат вазирлиги ёки «Ўзсаноатконтехназорат»нинг давлат техник нозирлари томонидан текширилиши лозим эди. Лекин, афсуски, улар санъалорликдан нарига ўтишмади, турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўзларидан масъулиятни соқит этмоқчи бўлдилар. Бу ишга ниҳоят, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими аралашди. Бўлим мудири кўрсатмасига биноан вилоят тармоқ касаба қўмитасининг бош техник нозири бошчилигидаги гуруҳ жалб қилинди. Гуруҳ аъзолари бахтсиз ҳодисани икир-чикирigача муфассал ўрганиб чиқдилар. Ҳақиқатни аниқлаш, адолатни қарор топтириш йўлидаги уринишларимиз бесамар кетмади. Халқимизда «Ҳақиқатнинг юзи ёруғ, қўли узун» деган мақол бекорга юрмас экан. Жабрланганларга моддий ёрдам бериш тўғрисидаги далолатнома топширилди.

- Суҳбатимиз моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, Сиз меҳнатчи хотин-қизларга эътибор, ғамхўрлик масалалари устида кўпроқ тўхталдингиз. Шундай экан, улар саломатлигини сақлаш, маданий-маиший, маънавий ва моддий жабҳаларда қўллаб-қувватлаш қандай ташкил этилганлиги хусусида ҳам фикр билдирсангиз.

- Бу борада айтишга арзигулик бир нечта мисолларни келтириш билан кифоялансам. Масалан, биргина «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси санаторийсида 125 нафар хотин-қиз ўз соғлиғини мустаҳкамлаб қайтди. 8 нафар аёлга марказий, 2 аёлга «Она ва бола» сиҳатгоҳларига йўлланмалар ажратилди. Шу билан бирга 27 нафар хотин-қизга 174,5 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган барча аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу тадбир учун корхона ҳисобидан 100 минг сўм сарф этилди. Даволанишга муҳтож бўлган 10 нафар кишига республика сиҳатгоҳлари, 25 нафар ўғил-қизга эса болалар оромгоҳларига йўлланмалар берилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, йилимизнинг ўтган ойларида бир неча хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ангрен кўмир конида меҳнат қилаётган аёлларнинг таваллуд топган кунлари муносабати билан республикамизда белгиланган энг кам маошнинг икки баробари, 2-меҳанизациялашган уй қуриш колоннасида эса бир баробар миқдорида моддий ёрдам уюштирилаётир. «Регионал геология» корхонасида бўлса меҳнат таътилига чиқаётган хотин-қизларга ҳақ тўланиши шарти билан қўшимча бир кун берилаяпти. «Тошкент электр тармоқлари» корхонасида 50-55 ёшлари нишонланаётган 16 нафар аёлга жами 121 минг сўмлик кўмак берилди.

Бундай мисоллар кўп. Қисқа қилиб айтганда, шу йилнинг ярмида вилоят кўмитаси томонидан марказий сиҳатгоҳларга 8 миллион сўмлик 184 та йўлланма харид қилиниб, бошланғич касабакўмларга тарқатилди. «Аёл ва замон» кўрик-танлови, «Қўшиқ байрами» тадбирларида кўпчилик ёшлар иштироки таъминланди. Қирқ нафар аёлнинг Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига сафари уюштирилди. Бундан ташқари, меҳнатчиларни пойтахт театрлари, концерт залларига ташрифи ташкил этилаётир. Шунингдек, фахрийларимиз ҳақидаги ғамхўрлик масаласи ҳам тадбирларимиздан ўз ўрнини топган.

Дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш бош мақсадга айланиши лозим.

Суҳбатдош:
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

«Ишонч» бонг уради

КЎЗБЎЯМАЧИ, ЮЛҒИЧЛАР

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ республикамиз раҳбарияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта аҳамият бериб келмоқда. Кам таъминланган, 16 ёшгача боласи бор оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, 2 ёшгача болага қараб турувчи оналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси ҳудудидаги 32 та маҳалла ва 2 та қишлоқ фуқаролари йиғинида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилиши ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари қандай бажарилаётганлигини назоратдан ўтказди. Бухоро шаҳридаги «Ширбуддин» қишлоқ фуқаролари йиғинида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 176 нафар фуқаронинг аризалари ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, эҳтиёжмандлик тўғрисида тузилган далолатномаларнинг 111 тасида оилавий шароитнинг муҳтожлик даражаси комиссия томонидан хулосаланмаган, шахсий имзолари билан тасдиқланмаган 176 та аризадан 17 таси бўйича моддий ёрдам бериш рад қилиниб, уларга нафақа тайинлаш «лимитда пул бўлмаганлиги сабабли» деб қонунга хилоф равишда, 19 таси бўйича ҳужжатлар тўлиқ эмас деб, 4 та ариза бўйича барча ҳужжатлар тўлиқ бўлгани ҳолда (қишлоқ фуқаролари йиғини маъмуриятининг янги кашфиёти) «мажлисга келмаганлиги учун» баҳонасида рад қилинганлиги аниқланди. Ахир, фуқаролардан қандай ҳужжатлар тақдим қилиш лозимлигини талаб қилиш қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўзига маълум-ку?

Туман ҳудудидаги «Отбозор» қишлоқ фуқаролари йиғинида моддий ёрдам сўраб мурожаат этган 161 фуқаронинг аризалари назардан ўтказилди. Уларнинг 100 фоизида оиланинг даромадлари ва мулкий аҳволини текшириш далолатномалари қачон кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги муддатлари йўқ. Шунингдек, аризалардан 46,2 фоизига моддий ёрдам бериш рад қилинган бўлса-да, унинг сабаблари ариза муаллифларига ёзма равишда маълум қилинмаган. Бу икки қишлоқ фуқаролари йиғинидаги кашфиётларга туман молия бўлими мутасадди ходимлари томошабин бўлиб тураверганлар.

Бухородаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Нор Сатторов «Отбозор» қишлоқ фуқаролари йиғини номига ўтган йилнинг май ойида ариза билан мурожаат қилиб, моддий ёрдам сўраган. Қишлоқ фуқаролари йиғини томонидан аризачидан моддий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи, шунингдек, ойлик маоши ҳақида маълумотнома сўралган. Фуқаро Нор Сатторов оилавий аҳволи яхши бўлишига қарамасдан, ўзининг иш жойи - Бухоро пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятида ойлик маоши 6318 сўм бўлгани ҳолда уни камайтириб кўрсатишга астойдил киришган. Бу учарнинг кам таъминланган оилалар қаторига ўтишига ҳиссадорлик жамияти меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Робия Ғафурова, кадрлар бўлими бошлиғи Матлуба Жўраевалар «ҳомийлик» қилиб, Сатторовнинг ойлик маоши 6318 сўм эмас, 2091 сўм деб маълумотнома берганлар. Натижада унга 3 ой муддатга, 1125 сўмдан 3375 сўм моддий ёрдам олишига имкон яратганлар. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бухоро вилоят матлубот уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Рассом» ҳиссадорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Олима Некова ҳам назоратнинг сустлигидан фойдаланиб, айрим ходимларга сохта маълумотлар бериш билан шуғулланиб келган. Масалан, ишчи Олимовни кам таъминланган оилалар ҳисобига ўтишига имкон яратган. Қонунга хилоф ишлари учун бош ҳисобчи жиноий жавобгарликка тортилди.

Бухоро шаҳар ҳокимлигининг маданият бўлими бош ҳисобчиси Раҳматуллаев ҳам айрим фуқароларга ноқонуний равишда моддий ёрдам олишига «ёрдамлашган». Шу йилнинг 8 февралида фуқаро Шаҳодат Нуритдиновага сохта маълумотнома тайёрлаб берган. Туман судининг ҳукмига биноан айбдор 52.800 сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Мана бу мисолларга нима дейсиз? «Ширбуддин» қишлоқ фуқаролари йиғини маъмуриятининг масъулиятсизлигидан фойдаланган Рыкова кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Гулчеҳра Жўмаева ва Мавлуда Раҳматоваларнинг турмуш ўртоқлари ҳеч қаерда ишламасалар-да, ишлайди қилиб кўрсатилиб, 5940 сўмдан ноқонуний моддий ёрдамга эга бўлишган. Аслида ёрдамга муҳтож оилалар эса четда қолиб кетишган. Ажабланарлиси шуки, уларга «лимитда пул бўлмаганлиги сабабли рад қилинди» деб кўяқолишган...

Жумладан, Муҳаббат Амонова, Олия Норова, Замира Ҳакимова ва бошқаларнинг моддий кўмак беришини сўраб ёзган аризаларига худди юқоридагидек жавоб берилган. Мазкур қишлоқ фуқаролари йиғини маъмуриятининг шу йил 20 апрел кунидаги мажлис қарорига биноан моддий ёрдам сўраган Мавлуда Алимова, Райҳон Исматова, Насиба Ражабова, Майсара Жўраеваларга ёрдам пули бериш «мажлисга келмаганлиги учун рад қилинди» деб кўрсатилиб, фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйилган.

Шарофат Ибрагимова Бухоро шаҳридаги 2-сон МКМКда бош ҳисобчи бўлиб ишлаб туриб, ўртача ойлик даромади жон бошига 4563 сўмни ташкил қилган. Шундай бўлса-да, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга бериладиган нафақага кўз олайтириб, 5940 сўм олишга эришган.

Таъкидлаш жоизки, кам таъминланган, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга, боласи 2 ёшгача бўлган оналарга жорий йилнинг ярмида берилган моддий ёрдам ва нафақаларга ажратилган маблағлардан фойдаланиш аҳволи таҳлил қилиб чиқилганида, 10 та моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган оилага давлатнинг 44.685 сўм маблағи ноқонуний тақсимлангани, 7 та боласи 2 ёшгача бўлган оналарга эса 15.840 сўм миқдоридаги нафақалар кам тўланганлиги маълум бўлди.

Туман прокуратураси бундай ғайриқонуний ҳолатларга тегишли прокурор таъсир чоралари орқали ўз муносабатини билдирди. Ноқонуний равишда сохта маълумотномалар тақдим қилиб, давлатни алдаш йўли билан кам таъминланган оиламан, деб олинган ноқонуний маблағларни қайтариш мақсадида туман судига даъво аризалари қўзғатилди, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари фаолиятидаги камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш юзасида бу қишлоқ фуқаролари йиғини маъмуриятларига тақдимномалар юборилди, ойлик иш ҳақи тўғрисида қалбаки маълумотлар берган ходимлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда бир мақолни келтирмоқ жоиз: Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади. Кўзбўямачилик, юлғичлик қилиб ёрдамга муҳтож кишиларга тегишли маблағга кўз олайтирганлар, албатта муносиб равишда жазоланадилар. Бу кимлар учундир сабоқ бўлиши керак.

Ф.МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.



Айни кунларда Қарши йўллардан фойдаланиш бошқармасининг тажрибали йўлсозлари жадал ишлашмоқда. Улар халқаро аҳамиятга эга бўлган «Нукус-Бухоро-Қарши-Термиз» автомагистралининг Қарши шаҳридан ўтган қисмини энг замонавий усуллар билан таъмирлашаяпти.

Асфальтлаш ишлари эса Германияда ишлаб чиқарилган асфальт ётқизувчи машиналар ёрдамида олиб борилаяпти. Ҳозирча йўлнинг тўрт километрлик қисми таъмирланиб, олти сантиметр қалинликда асфальт ётқизилмоқда.

Мазкур бошқарма йўлсозлари ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли уддалаш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.



«УМИД»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Илм-фан ҳақида гап кетса, биз кўпинча кун чиқар мамлакати - Японияни тилга оламиз. Лекин эътироф этиш лозимки, мустақилликка эришган Ўзбекистонимизда қисқа фурсат ичида бу жабҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Куни кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999-2000 ўқув йили учун Президент гранти соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда танлов ғолиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Айтиш мумкинки, тақдирлаш маросими «Умид» жамғармасининг ўзига хос ҳисоботига ҳам айланиб кетди. Жамғарманинг илк қалдирғочлари хорижнинг нуфузли таълим масканларига йўл олганига икки йил тўлди; шу вақт ичида қарийб 500 талаба хорижга ўқишга жўнатилди. Бу йили яна 200 га яқин иқтидорли йигит-қизлар шундай бахтга муяссар бўлишди. Биз уларга оқ йўл тилаймиз. Зеро мамлакатимиз равнақида бу йигит-қизларнинг улуши салмоқли бўлишига шубҳа йўқ.

Суратларда: қувончли онлар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Истиқлол нашидаси

«МЕН БАХТИМНИ КУЙЛАЙМАН»

Султонпошша Ўдаева ўз мухлисларига эга санъаткор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонга сазовор бўлган хонанда ҳақида гап кетгудек бўлса, шинавандалар дастлаб унинг:

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани.
Сенку мени ёмон дединг,
Яхшини топганинг қани

Янглиғ таъсирчан мисралар мужассам бўлган қўшиғини тилга оладилар. Бу қўшиқ санъаткор юрагидан тингловчи қалбига шундай оқиб ўтадики, хаёл уммони беихтиёр мухлисни эзгулик сари етаклайди.

Султонпошша ёшлик даврларини шундай эслайди:

— Гўзал Хоразм воҳасинда мактабда ўқиб юрган кезларим санъатга бўлган меҳр менда бошқача кечган. Отам ва онам менга санъатга бўлган меҳрни, қолаверса илк туйғуларни уйғотганлар. Мактабимизнинг мусиқа ўқитувчиси Ҳожибой Нишонбоев ҳам менда санъатга бўлган иштиёқни сезиб, алоҳида шуғулланардилар. У кишилардан кўп нарсаларни ўргандим. Сўнг Тошкентга келиб уйдагиларнинг маслаҳати билан Низомий номидаги педагогика институтига ўқишга кирдим. Санъат менинг ҳаётимга айланиб қолган эди. Институтни битириб мактабда дарс бериш билан бир қаторда кўплаб қўшиқлар яратдим. Телман Ҳасанов, Матниёз Юсупов, Султон Ҳайитбоев, Ҳалимжон Жўраев каби бастакорлар билан доимий ҳамкорликда ва изланишда бўлдим. Халққа манзур қўшиқларим шу пайтларда дунё юзини кўрди...



Султонпошша Ўдаева мана олти йилдирки, «Ўзбекнаво» қошидаги М.Қориёқубов номидаги ўзбек давлат концерт бирлашмасида ижодий фаолият кўрсатмоқда. У киши халқимизнинг севимли санъаткорлари Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Комуна Исмоилова, Раҳматжон Қурбоновлар билан доимий ижодий мулоқотда.

Севимли санъаткорнинг ижод саҳифаларидан «Оқ илон», «Азизим бахтиёрим», «Сен бўлмасанг», «Сендан азиз йўқ», «Онажон», «Аёл», каби арабча, озарбойжонча юзлаб қўшиқлар ўрин олган кейинги пайтларда кўпгина янги қўшиқларига ўзи бастакорлик қилмоқда.

— Ижодий сафарлар ҳамда таклифлар орқали Жанубий Корея, Югославия, Озарбойжон давлатларида бўлиб бетакрор миллий санъатимиздан чет эллик-ларни ҳам баҳраманд этдик, - дейди Султонпошша опа. Улар бизлар ижроимиздаги мумтоз қўшиқларимизни ҳамда ўзларининг анъанавий қўшиқларини эшитишиб ҳайратландилар. Озарбойжондаги сафаримиз мароқли ва эсда қоларли бўлди. Бизнинг Хоразм шеваси озарийлар тилига яқинлигиданми, у ердаги санъат ихлосмандлари ҳар бир чиқишимизни юқори даражада олқишлашди.

Жанубий Корея давлатига санъат соҳасининг фидойиси профессор Пак саъй-ҳаракатлари ҳамда таклифи билан 17 кишидан иборат санъат аҳллари ташриф буюрган эдик. У ердаги энг нуфузли санъат саройлари ҳамда профессионал саҳналарда ўзбек миллий қўшиқ ва рақсларини намойиш этдик. Кореялик санъат шайдолари бизнинг мумтоз қўшиқларимизни тинглаб шундай завқланишдики, ўзимиз ҳайратда қолдик. Жанубий Кореянинг кўплаб шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам бўлиб дастурлар намойиш этдик. Қўшиқларимиз санъат ихлосмандлари томонидан юқори баҳоланди. Кўплаб санъаткорлар билан танишдик ва ижодий ҳамкорлик ўрнатдик.

— Беихтиёр ўйлаб қоламан, - дейди истеъдодли қўшиқчи фикр-мулоҳазага берилиб. - Агар истиқлолга эришмаганимизда санъатимизни ҳозиргичалик эмин-эркин ва кенг кўламда тарғиб эта олармидик. Йўқ, албатта. Бу мустақиллик шарофати!

Ҳа, Султонпошша Ўдаева миллий қўшиқчилигимизни чет эл саҳналарига олиб чиқа билган ўзига хос санъаткор. Шу билан бирга у ажойиб уй соҳибаси ҳамдир. Бахтиёр инсон икки ўғил ва бир қизнинг меҳрибон онаси. Ўғли Баҳодир ҳам санъат йўлини танлаган.

Қўшиқ - орзу умидларнинг куй ва сўз уйғунлиги. Агар у етук санъаткор томонидан ижро этилса, халқ мулкига айланади. Султонпошша Ўдаеванинг бахти ҳам аслида шунда.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ҳар тўғрида

ҲАРАКАТ ХУДОСИ

Симоб кумушранг, ялтироқ ва оғир металлдир.У майда-майда соққачаларга бўлиниб жуда тез сочилиб кетади. Лотинчада «меркурий», яъни ҳаракат худоси деб аталишнинг боиси ҳам шундандир.

Симобнинг тоғ жинсларида, ерда тарқалиш қонуниятлари яхши ўрганилган. Ер қобиғи жинсининг ҳар 10 тоннасида бир грамм симоб мавжуд.

Ер атмосферасининг ҳар куб метрида 0,02 гамма симоб бор(гамма-миллиграмнинг 100 дан бир қисмига тенг).

Симобнинг буғланиш жараёни иссиқ иқлимли ўлкаларда совуқ иқлимдагига нисбатан тезроқ ўтади. Чунки ҳаво совуқлиги 39 даражага пасайганда симоб буғлари қотади.

Ёмғир сувининг бир литрида 0,2 гамма симоб бўлишига қарамай, ёғингарчилик туфайли ҳаво симобдан тозаланади.Йил давомидаги ёмғир ва қор таркибида 75800 тонна симоб ерга қайтиб тушади.Бу миқдор бир йилда дунё конларидан қазиб олинаётган симобдан 20 марта кўп.

Ер сатхининг кўп қисми сув ҳавзалари билан қопланганлиги туфайли «ёғин» симобнинг учдан икки қисми океан ва денгизларга чўкади. Ўз навбатида океан ва денгиз сувининг буғланиш жараёнида сувдаги симобнинг бир қисми яна атмосферага кўтарилади.

Сув ва ҳаво таркибида симоб кам бўлишига қарамай, ҳар куни улар орқали киши баданига 5 гаммага яқин симоб ўтади. Бу миқдор киши соғлигига зарар етказмайди.

ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Ниҳоят бир ойлик танаффусдан сўнг олий лига жамоалари яна яшил майдонларга қайтишди.

Чемпионлик учун жиддий кураш олиб бораётган пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида «хавфли рақиб» - «Нефтчи»ни қабул қилди. Эътиборли жиҳати шуки, қизғин ва муросасиз курашлар остида ўтган ушбу учрашувда майдон эгалари биринчи марта ўз уйларида мағлубият аламини тотишди: 2:3. «Сурхон» - «Пахтакор» ва «Трактор» - «Навбаҳор» учрашувлари ҳам меҳмонлар ғалабаси билан якунланди. «Пахтакор» «Сурхон»ни 4:2 ҳисобида мағлуб этган бўлса, «Навбаҳор» «Трактор»чиларни 6:2 ҳисобига «кўндирди».

Мавсум бошидан ажойиб ўйинлари билан ўз мухлисларини хушнуд этаётган олий лига дебютанти «Самарқанд» эса ўз майдонида Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини қабул қилди. Рақиблар дарвозасига 6 та жавобсиз тўп киритган «Самарқанд»ликлар ушбу турдан сўнг «Дўстлик»ни 2 очко фарқи билан ортда қолдириб, карвонбоши бўлиб олишди. Бу йилнинг кашфиёти «Хоразм» олий лига аутсайдери «Янгиер»ни кичик ҳисобда мағлуб этди: 1:0.

«Зарафшон» - «Сўғдиёна» ҳамда «Андижон» - «Металлург» жамоалари учрашувларида мезбонлар бир хил - 2:1 ҳисобида устун келдилар. «Насаф» эса ўз майдонида бухороликлар билан дурангга «имзо чекди»: 1:1.

ИСТИҚБОЛЛИ МОДЕЛ

Бакалавр шахсияти модели! Бу ибора эндиликда техника олий юртларида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Зеро, бакалавр шахсини кўзланган мақсад даражасида тайёрлаш олий ўқув юрти вазифасини амалга оширишдан иборатдир. Тошкент кимё-технология институтида ташкил топган кимёгарлар гуруҳи ҳам бевосита шу масала билан шуғулланишди.

Талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлашга қаратилган ушбу моделни рўёбга чиқариш мақсадида олий ўқув юрти «Умид» жамғармаси билан алоқани кенг йўлга қўйди. Истиқболли режалар тузилди. Хорижий мамлакатларнинг бой иш тажрибаси ўрганилди. Бу эса институтда умумий ва анорганик кимёда графикли тестлардан фойдаланиш йўлга қўйиш имконини берди.

Шуниси муҳимки, мазкур усул талабаларнинг кимёвий реакциялар хусусиятларини яхши билишлари билан бирга чизма, чизма геометрия, физика ва математика асосларини пухта эгаллашда қўл келади. Кимёвий олимпиада тестларини тайёрлаш, танлов ва кўрикларни ўтказишда ҳам бу усулдан фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртида ишлаб чиқилган бакалавр шахсияти модели яқинда ўтказилган «рейтинг усули ва уни такомиллаштириш усуллари» республика илмий-амалий конференциясида ижобий баҳоланди.

ҲОКИМИЯТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Болаларда малака ва ижодкорлик қобилиятини ўстириш таълим ва тарбия жараёнининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чирчиқ шаҳри болалар боғчаларида бу борада амалга оширилаётган тарбиявий ишлар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Шаҳардаги 8-болалар боғчасида кичкинтойлар қўли билан турли ўйинчоқлар ясашга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Боғча тарбиячилари шу машғулот тури орқали болаларда иқтисодий меҳнат кўникмаларини ўстиришга эришиб келмоқдалар.

Шаҳар халқ таълими бўлими бошқа боғчаларда ҳам бундай тажрибани кенг ёйиш тадбирларини кўрди. Чирчиқ шаҳри мактабгача тарбия муассасаларининг бу ибратли фаолияти Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ижобий баҳоланди. 8-болалар боғчасининг бу борадаги фаолиятини янада кенгайтириш учун ҳокимият бир миллион сўмга яқин пул ажратди.

МАЙАМИДАГИ КЎНГИЛСИЗ КЎРГАЗМА

Машҳур модельер Версачининг ўлимидан сўнг, унинг синглиси Донателла илк бор Майамига ташриф буюрди. Донателланинг бу шаҳарга нисбатан кўнгилсизлигини тушунса бўлади, чунки акаси айнан шу ерда отиб ўлдирилган. Бу машъум воқеа 1997 йилнинг 15 июлида содир бўлган эди. Яқинда эса Майамида Жонни Версачи асарининг кўргазмаси очилди. Донателла бу намойишда қатнашиш бурчи эканлиги учунгина Майамига ташриф буюрди.

Кўргазма очилиши Донателла учун кўнгилсизликлар билан бошланди. Уни журналистлар марҳум акаси ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташладилар. Айниқса, Версачи ҳақида яқинда чиққан китоб мушоҳадаси оғир кечди. Унда муаллиф дизайн СПИД билан касалланганлигини эътироф этган. Албатта, Донателла бундай тахминни рад этди. Аммо унинг қариндошлари Версачининг тиббий назорат тарихи жамоатчиликка ошкор бўлмаслиги учун барча чораларни кўришганини эсга оладиган бўлсак, ҳақиқатда бироз иккиланиш туғилади.

КАСАЛЛИК САБАБИ АНИҚЛАНМАДИ

Сўнгги ярим йилда Малайзияда 117 нафар киши номаълум касалликдан вафот этишди. Ўтказилган тажрибалар бунинг сабаби чўчқа гўштида эканлигини кўрсатди. Малайзия полицияси шундан сўнг зудлик билан мамлакатдаги чўчқаларни йўқ қилишни бошлади. Бутун дунёдан йиғилган мутахассислар ҳозир чўчқалардаги янги вирусни аниқлаш билан бандлар, бироқ ҳозирча натижасиз. Шунингдек, одамлар қандай йўллар билан чўчқадан вирусни юқтиришгани ҳам номаълумлигича қолмоқда. Ҳозирча фақат мия шамоллаши туфайли мазкур касалликнинг вируслари ривожланади, деган тахминларгагина эришилди, холос. Бироқ бу касаллик қаердан, у қандай шароитларда ривожланади каби саволлар жумбоқлигича қоляпти. Айни пайтда Малайзиядаги бу ҳодиса халқаро тоифадаги олимлар назорати остига олинган.

Гаройиб олам

МОНИКА ОЗИШ ҲАРАКАТИДА

Америка Президентининг собиқ маъшуқаси Моника Левинскининг сўнгги пайтларда анча тўлиша бошлагани ҳақида кўп ёзишди. Булардан ўзига хулоса чиқарган Моника парҳез тутишга қарор қилди. Уйда парҳез қилиш оғирлигини инобатга олиб, у яқин дугонаси билан биргаликда Лондондаги хусусий шифохоналарнинг бирига йўл олди. Махсус парҳез сақлаш учун мўлжалланган бу фирмада даволаниш Моника учун 5 минг долларга тушди. Муолажа икки ҳафтадан кўпроқ вақт давом этган. Бироқ 5 минг доллар эвазига Моника қанча вазн йўқотганини ҳозирча сир сақламоқда.

ОДАМ СОТИШ ТАҚИҚЛАНГАН


Колумбиянинг Пластини Рика шаҳарчасида яшовчи бир аёл шунчалик камбағаллашиб қолди-ки, ҳатто кун ўтказиш мақсади-да 13 ёшли қизчасини сотишга ҳам рози бўлди. Харидор ҳам дарров топила қолди - шу атрофдаги бир кампир қизчани уй хизматкори сифатида сотиб олишга қарор қилди. Узоқ давом этмаган тортишувдан сўнг томонлар қизчанинг ҳақиқий баҳосини аниқладилар - 200 доллар. Шаҳарда худди шу нархда битта бузоқ сотиб олиш ҳам мумкин. Бу савдо ҳақидаги миш-мишлар дарҳол полиция қулоғига етиб борди. Натижада сотувчини ҳам, харидорни ҳам қамоққа олишди. Мамлакатда одам сотиш қонун билан тақиқланган. Шунга қарамасдан шаҳар аҳолисининг норозилиги асосан суд маъмуриятига қаратилди. Чунки, улар жиноят ҳақидаги далиллар топиша олмагач, сотувчи ва харидорни озодликка чиқариб юборишган эди.

КРОССВОРД

Бўйига: 1.Одиссейнинг ватани. 2.Ирландиядаги шаҳар. 3.Ёзги таътилда болаларнинг дам олиш оромгоҳларидан бири. 4.Нон тури. 6.Бўйдор урушқоқ хўроз. 8.Савдо, олди-сотди ишлари. 9.Республикамиздаги суғурта агентлиги. 10.Фаҳш ва бузуқ ишлар билан шуғулланувчи эркак ёки аёл. 11.Югурдак, дастёр. 13.Абхазиянинг ҳозирги давлат раҳбари. 14.Юлдуз Усмонованинг севимли қўшиқларидан бири. 21.Турсунзода шаҳрининг аввалги номи. 23.Енгсиз, ёқасиз калта ва ихчам кийим. 24.Франгистонда католиклар руҳонийси. 25.Актёрнинг биринчи бор саҳнага чиқиши.

Энига: 1.Гулдаста тузиш санъати. 4.Бир учида каллаги, иккинчи учида резьбаси бор маҳкамловчи деталь.5.Тўсатдан ўтказиладиган текшириш. 7.Судралиб юрувчи жонзот. 8.Дарахтнинг қолдирадиган ёдгорлиги. 12.Оллоҳнинг қули. 15.Аёллар исми. 16.Аёллар тақинчоғи. 17.Халқ хўжалиги соҳаси. 19.Қадимий шамшир тури. 20.Эстониядаги шаҳар. 22.Тропик мева. 26.Ўрта Осиёдаги биринчи тарихчи аёл. 27.Ҳиндистондаги ҳокимлар номи. 28.Хамирли таом. 29.Йўловчи ва юкларни бир пунктдан бошқасига оралиқ пунктлари орқали ташиш.

Тузувчи: Т.УМАРОВ



Газетамизнинг № 100 сонидаги бошқотирма жавоблари

БЎЙИГА: 1. Рамз. 2. Адрас. 3. Чакки. 4. Анна. 5. Варна. 6. Обида. 7. Фосид. 9. Артек. 12. Генерал. 14. Ёғочоёқ. 15. Сайка. 16. Дарак. 18. Ари. 19. Нос. 22. Аттор. 24. Айғиз. 26. Олимп. 30. Йилқи. 31. Обаки. 33. Лама. 34. Анод.

ЭНИГА: 1. Раста. 3. Чакса. 7. Файз. 8. Акса. 10. Россини. 11. Сургун. 13. Диёнат. 15. Сид. 17. Диана. 19. Норак. 20. Ермой. 21. Ровоч. 22. Амири. 23. «Совға». 27. Таллий. 28. Лукмон. 29. Файноли. 32. Риал. 34. Алам. 35. Алиби. 36. Ирбид.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти – 21.00 Топширилди 24.00

Буюртма Г– 0648.

1 2 3 4 5 6